

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — БАРЧА ИСЛОХОТ ВА ЎЗГАРИШЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кишлоқ ҳўжалигини ислох қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда кишлоқ ҳўжалиги тўдан ўзгарди. Ширкатларни фермер ҳўжаликлари айлантириш жараёни амалда низоҳасига етди. Хусусий фермер ҳўжалиги ўз моҳиятига кўра кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришнинг таъминлайдиган етакчи кўчага айланди.

Хозирги кунда республикада 215 мингдан ортиқ фермер ҳўжалиги фаолият юритмоқда, уларда 1,6 миллион киши ёки соҳад банд бўлган аҳолининг қарийб 90 фоизи меҳнат қилмоқда, кишлоқ ҳўжалиги экин майдонларининг қарийб 85 фоизи ана шу ҳўжаликлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўтган йили мамлакатимиз бўйича тайёirlанган ялпи пахта ҳўсалининг 99 фоизи, галланнинг 82 фоизи фермер ҳўжаликлари томонидан етиштирилди.

Ўртимизда тайёрланаётган кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида фермер ва деҳқон ҳўжаликларининг улуши салкам 94 фоизни ташкил этмоқда.

Кишлоқда бозор инфратузилмаси амалда янгитдан барпо этилди, кишлоқ ҳўжалигиде ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рағбатлантириш, соҳани бошқариш принциплари ва тизими сифат жиҳатдан мутлақо янгича таъминлар асосида йўлга қўйилди.

Жойларда кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилмаси субъектларининг кенг тармоғи яратилди. Кишлоқ ҳўжалиги хомаёшсини комплекс қайта ишлашга ихтисослашган 200 дан зиёд агрофирма фаолият кўрсатмоқда.

Энг муҳими, кишлоқда ҳақиқий мулкдор — ер эгаси пайдо бўлди, унинг меҳнатга муносабати, ўз ишининг натижаларидан манфаатдорлиги бутунлай ўзгармоқда.

Кейинги йилларда кишлоқ ҳўжалиги экинларидан, биринчи навбатда пахта ва галадан энг юқори ҳўсали олинган, соҳада ишлаб чиқариш ҳажми кескин кўпайгани деҳқончилигимиздаги тўб сифат ўзгаришларининг самарасидир десак, янги ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтган йили пахта хомаёшсини етиштириш 3 миллион 650 минг тоннадан, ялпи галла ҳўсали эса 6 миллион 250 минг тоннадан ошиб кетгани бунинг яққол тасдиғидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган жиҳдий таркибий ўзгаришлар ташки иқтисодий кўрсаткичларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Ўртимизда 2007 йили экспорт ҳажмининг ўсиш сўрьати 40,7 фоизга ортиб, импортга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди.

Бу ўз навбатида йил якунлари бўйича ташки савдо айланмасида 3,5 миллиард доллардан ортиқ миқдорда ижобий сальдога эришилди ва олтин-валюта захираларимизни 1,5 баробар кўпайтириш имконини берди.

Ўтган давр мобайнида экспорт таркибиде тайёр маҳсулот ҳажми катта сўрьатлар билан ортиб, бугунги кунда 38 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Булар қаторига, авваламбор, машина ва асбоб-ускуналар, нефть-көм маҳсулотлари, минерал ўғитлар, пахта толасидан тайёрланган ип-калав ва газлама, трикотаж ва озиқ-овқат товарлари, кабель-ўтказгич маҳсулотлари, қурилиш материаллари кирди.

Йил давомида машина ва асбоб-ускуналар, электротехника маҳсулотлари экспорти 1,5 баробар, көм санаоти маҳсулотлари 1,6 баробар, фармацевтика маҳсулотлари 1,5 баробар, тўқимачилик маҳсулотлари 1,2 баробар, қурилиш материаллари 2 баробар, мева-сабзавот маҳсулотлари эса 1,6 баробар ошди.

Хизматлар, янникса, транспорт ва телекоммуникация хизматлари экспорти юксак сўрьатлар билан ўсиб бормоқда.

Ташки савдо юқларини ташки учун қулай шарт-шароитлар яратиш, янги транспорт йўлакларини очиш, республикамиз транзит салоҳиятини кескин кўчатириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Маҳаллийлаштириш дастурини бажариш ҳисобидан 2007 йилининг ўзида 270 та лойиҳа жорий этилиб, 60 дан зиёд янги маҳсулот турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, сарф-харажатлар сезиларли равишда камайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ўсди.

Бунинг натижасида қарийб мингта қўшимча янги иш ўрни яратилди. Маҳаллийлаштириш дастурининг амалдаги самарасини ҳисоблаганда, у салкам 2 миллиард долларни ташкил қилди.

2007 йил давомида иқтисодиётимизга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 23 фоизга ортиди ва 4,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги маблағни ташкил этди. Бу эса ўтган йиллар мобайнида эришилган энг юқори кўрсаткичдир.

Шуниси диққатга сазоворки, жами инвестицияларнинг 70 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектлари қурилишига, жумладан, салкам 50 фоизи корхоналарни техника ва технология модернизация қилишга йўналтирилди.

Шу борада эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман. Жалб этилган инвестицияларнинг умумий ҳажмида чет эл инвестициялари, айнникса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар салмоқли ўринни эгаллайди.

Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 58 фоизга ортиб, 1 миллиард долларни ташкил этди. Уларнинг 76 фоизи тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар эканини таъкидлаш лозим.

Инвестиция дастури доирасида 2007 йилда 300 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси низоҳасига етказилди. Хусусан, "Зеварда" конида компрессор станцияси, Қўқдумалоқ конида йўлдош газларини утилизация қилувчи учта усуна, 142 километрлик газ қувури ва 184 километрлик электр узатиш тармоғи ишга туширилди.

Шунингдек, Резаксой сув омбори қурилиши якунланди. Навоий шаҳри халқаро аэропортида реконструкция ишлари амалга оширилди.

Тўқимачилик санаоти бўйича ривожлантириш, модернизация қилиш, техника ва технология қайта жиҳозлаш дастурига киритилган 66 та корхонадан 34 тасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бошлаб юборилди, яна 20 та корхонада қурилиш ишлари ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш жараёни тўғалланмоқда. Модернизация қилинган корхоналарда қисқа вақт ичида ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробар ошди.

Янги қурилган, лойиҳа мuddатидан бир йил олдин фойдаланишга топширилган 223 километрлик "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўлининг ўртимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

2007 йил учун тасдиқланган йўл қурилиш дастурига мувофиқ, 245 километрлик автомобиль йўллари қурилади ва реконструкция қилинди, 1 минг 750 километрдан кўпроқ халқаро ва давлат аҳамиятига молик умумий фойдаланиладиган йўллар капитал ва жорий таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

2007 йилда хорижий инвестициялар иштирокиде 700 дан зиёд янги корхона барпо этилди.

Қўшма корхоналар биринчи галда юксак технологияга асосланган тармоқларда — енгил, озиқ-овқат, электротехника, көм ва нефтькөм, машина-созлик, қурилиш материаллари санаотида, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ташкил этилаётгани эътиборга лойиқдир.

Хозирги кунда республикамиз ташки савдо айланмасининг учдан бир қисми хорижий инвестициялар иштирокидеги корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда ва уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши ўтган йили 60 фоизни ташкил этди.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлигимиз фаол ривожланмоқда. Таълим, соғлиқни сақлаш, кишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳақида молиявий ресурсларни бошқариш соҳаларида стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун ўтган йили қарийб 330 миллион доллар миқдориде имтиёзли кредитлар ва 46 миллион долларлик грантлар жалб этилди.

Инвестиция ва сармоялар ҳақида гап бораганда, бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан.

Бугун жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш нечоғлик катта, хал қилувчи аҳамиятга эга эканини кимгадир исбот қилиб беришга ҳолат йўқ. Бу авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш, бу охир-оқибатда республикамиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир.

Бу — вилот, шаҳар ва туманларнинг маҳаллий бюджетлари ўсишининг асосий манбаидир.

Хозирги кунда Сурхондарё, Жиззах ва Наманган каби баъзи вилотлар ва қўлаб кишлоқ туманлари бюджетларининг дотацияда қолиб кетаётгани, яъни республика бюджети ҳисобидан таъминланаётгани биринчи навбатда мазкур ҳудудларда замонавий корхоналар, кичик бизнес соҳаси, савдо тармоқлари, умуман инфратузилмани ривожлантиришга эътибор берилмаётгани билан боғлиқ, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Пешку, Шофиркон ва Нурота, Хатирчи, Қўраборт ва Бандихон, Қораўзак, Таштакўллар ва Бахмал, Янгибобдо ва бошқа туманларда маҳаллий бюджет харажатларининг 50 фоиздан кўпроғи вилот ва республикадан олинадиган дотация ҳисобига қопланаётганини қандай баҳолаш керак? Бу саволга ана шу туманларнинг раҳбарлари нима деб жавоб бериши мумкин?

Ўтган йили Сирдарё вилотида маҳаллий ҳокимият раҳбарларининг ташаббуси билан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ҳисобидан биронта ҳам лойиҳа амалга оширилмаганини қандай изохлаш лозим? Жиззах ва Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Сурхондарё вилотлари, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ахвол

бундан яхши эмас.

Мазкур ҳудудлар улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлишига қарамастан, уларда 2007 йилда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1-2 миллион доллардан ошмагани буни кўрсатиб турибди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз мажлисида ўшбу масалани алоҳида қўриб қиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши зарур деб ўйлайман.

Хурматли дўстлар!

Бугунги кунда жаҳондаги аксарият мамлакатларда молиявий қарздорлик ҳажмларининг ошиб бораётгани ва банк активларининг етишмаслиги энг жиддий ва ташвишли муаммолардан бирига айланган ҳеч кимга сир эмас.

Шуни маъмуният билан таъкидлаш лозимки, бизнинг ташки қарзимиз ҳажми ва уни қоплаш учун ажратиладиган йиллик маблағлар дараҳаси халқаро мезонлар бўйича энг паст параметрларни ташкил этади.

Ялли ички маҳсулотга нисбатан ташки қарз 2007 йилининг охирида атиғи 17 фоизни, экспортимизнинг йиллик ҳажмига нисбатан эса 44 фоизни ташкил этди. Бу эса Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятлари бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиш қафолатини берадиган энг ишончли, тўловга қодир ҳамкорлар қаторидан муносиб жой олишини таъминлайди.

Барчамизга бир ҳолат яхши маълум, деб ўйлайман. Кейинги вақтда қўшни мамлакатларда ва жаҳон бозориде озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилиб бораётгани кузатишмоқда. Бундай вазиятда республикамиз ички бозорининг, аҳолиимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли таъминланиши алоҳида аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан бизнинг 90-йилларданқоғалла мустақиллигига эришилди, аҳолининг ун ва нонга, бошқа ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла таъминлаш вазифасини ўз олдимизга қўйганимиз ва уни муваффақиятли ҳал этганимиз узоқни ўйлаб қилинган оқилона иш бўлганини эслаш ўринлидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон бугдой, ун, пахта ёғи, мева-сабзавот, қуруқ мева-валар ва узум, полли маҳсулотлари каби ўта зарур озиқ-овқат товарларни билан нафақат ўз ички эҳтиёжларини тўлиқ таъминламоқда, балки уларни ўртимиздан ташқарига ҳам экспорт қилмоқда.

Хозирги пайтда аҳолининг нон, гўшт ва сўт маҳсулотлари, гуруч, картошка ва бошқа муҳим озиқ-овқат молларига бўлган талаби ўзимизда ишлаб чиқарилаётган товарлар ҳисобидан тўлиқ қопланмоқда ва бундай ҳолатни ўзимизнинг улкан ютуғимиз деб ҳисоблаймиз.

2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш бўйича ишлар давом эттирилди. Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бораидаги қонунчиликни мустаҳкамлаш, бозор инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди.

Бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тўғатиш, шунингдек, фаолиятнинг алоҳида турлари билан шугулланиш ҳуқуқини берадиган лицензия ва рўхсатномалар бериш жараёнлари соддалаштирилди ва тартибга солинди. Қўлаб белгиланадиган жаримлар миқдори сезиларли даражада камайирилди, айрим жарима турлари эса бутунлай бекор қилинди.

Бизнес соҳасига давлатнинг аралашувини чеклашга қаратилган ишлар давом этмоқда, бизнес субъектларига нисбатан ҳар қандай санкция фақат суд қарори бўйича қўлланиши устидан мониторинг олиб борилмоқда.

Молия, солиқ ва статистика ҳисоб-китобларининг барча шакллари ва мuddатлари кескин қисқартирилмоқда. Солиққа тортиш ставкалари унификация қилинди ва камайирилди. Хусусан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 13 фоиздан 10 фоизга туширилди.

Тадбиркорларга, аввало, кичик бизнес субъектларига асосий, шу жумладан, талаб юқори бўлган моддий ресурслардан кенг фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шаклланди. Масалан, ўтган йилда Ўзбекистон товар-хомаёш биржасида умумий савдо айланмаси қарийб 2 баробар ошди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнилари қўлаб нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Мисол учун, ҳар йили дунёнинг 162 та мамлакат буйича иқтисодий эркинлик индексини эълон қиладиган "Наследие" фонди халқаро рейтинг агентлигининг бу борадаги ҳулосаси эътиборга сазовор. Бу ташкилот 2000-2007 йилларда Ўзбекистонда эркинлаштириш индекси 18 пунктга яқинлашди, 53 фоизни ташкил қилганини эътироф этади.

Ҳеч шубҳасиз, бу кўрсаткич миллий иқтисодиётимизни эркинлаштириш соҳасида сезиларли даражада ривожланишга эришганимиздан далолат беради.

Яна бир муҳим масала — 2007 йилда давлат мулкисини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги ёндашулар тўдан қайта қўриб қиқилди, корхоналар капиталида давлат иштирокини кескин камайитириш бўйича қарорлар қабул қилинди.

Айни вақтда давлат мулкисини баҳолаш ва кейинчалик хусусий мулк сифатида сотишни тартибга соладиган меъёрий базани эркинлаштириш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Давлат мулкисини инвестиция киритиш учун мажбуриятлар асосида сотиш учун хорижий ва мамлакатимиз инвесторлари билан тўзилган шартномаларнинг умумий қиймати 3-4 баробар қўлайиб, 310 миллион доллар ҳақида 57 миллиард сўмни ташкил этди.

Жами тушумларнинг 65 фоиздан ортиғи хусусийлаштирилаётган корхоналарни модернизация қилиш ва техника қайта жиҳозлашга йўналтирилмоқда.

Натижада 2007 йилда хусусий секторнинг ялли ички маҳсулот таркибидеги улуши 85 фоизга етди. Санаот маҳсулотларининг қарийб 80 фоизи, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг салкам юз фоизи, қачана савдо айланмаси эса тўлиқ ҳолда ана шу сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шу ўринда бир масалага такрор ва такрор эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблайман. Давлат объектларини хусусийлаштиришда биз учун энг асосий тамойил — бу ишнинг қўзини биладиган, омилкор мулкдорларни жалб этиш, корхоналарни ҳақиқий эгасига, хусусийлаштирилган завод ёки фабрикани модернизация қилиш, техника ва технология қайта жиҳозлаш, жаҳон бозориде рақобатда бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга қодир бўлган моҳир менежерларга топшириш керак.

Лекин, афсуски, баъзи янги мулкдорлар давлат мулкисини жуذا арзон нархларда сотиб оляпти-ю, ундан оқилона фойдаланиш, самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласи ечилмапти.

Илгари хусусийлаштирилган 7 мингдан ортиқ корхона фаолиятини ўрганиш шунини кўрсатдики, уларнинг 315 таси мутлақо тўхтаб қолган, 450 таси эса ярим қувват билан ишламоқда. Натижада ўтган йили қўрилган қатъий чора-тадбирлар тўғрисида 198 та ана шундай корхона банкрот деб эълон қилинди, 204 та корхона бўйича бу жараён давом эттирилмоқда. Яна 34 та корхона бўйича банкротликка тортиш жараёни бошланиш арасида турибди.

Албатта, бундай чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Масалан, банкротлик жараёни давомида янги мулкдорларга сотилган 65 та корхонада инвесторлар томонидан 50 миллион доллар ва 5,5 миллиард сўм маблағ киритиш мўлжалланмоқда.

Бундай тақрибани бундан буён ҳам давом эттириш даркор. Шундай натижага эришишимиз керакики, бизнинг пировард мақсадимиз амалга ошин — барча корхоналарни ўз иши учун қайғурадиган ҳақиқий мулкдорлар, ҳақиқий мулк эгалари бошқарсин.

Ўтган йилда банк-молия соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва уларнинг қўламини кенгайтириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиб келди.

Биринчи навбатда, молиявий барқарорлиқни таъминлаш, тижорат банкларининг капиталлашуве дараҳасини янада ошириш ва уларнинг эркинчилигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди.

Бу борада қўрилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг устив капиталга қарийб 2 баробар ошди, уларнинг жами капитал эса 2006 йилга нисбатан 40 фоизга қўлайди ва 1,5 триллион сўмга етди.

Банкларни акциядорлик банкларига айлантириш жараёни жадал бермоқда. Бир йил мобайнида акциядорлар сони 12,5 мингтага қўлайди ва жорий йил бошида қарийб 200 мингтага етди, уларнинг 68 фоизини эса жисмоний шахслар ташкил этмоқда.

Учта тижорат банки — Ташки иқтисодий фаолият миллий банки, "Пахтабанк" ва "Хамкорбанк" етакчи рейтинг компанияларининг халқаро рейтингига эга бўлди.

Тармоқни кенгайтириш, минибанк ва филиаллар ташкил этиш ҳисобидан тижорат банклари ўртасидаги рақобат муҳитини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўтган йили ҳўжалик субъектларини модернизация қилиш, техника ва технология қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида қарийб 2 триллион сўм сарфланди.

Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўлаб-қувватлаш учун тақдим этилган кредитлар бир йилда 36 фоизга, тадбиркорлар ва хусусий шахсларга берилган микрокредитлар миқдори эса 70 фоизга қўлайди.

2007 йилда лизинг, сугурта ва факторинг хизматлар бозори ҳам жадал ривожланди.

Ўтган йили аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш ма-

саласини ҳал этиш бораида ҳам салмоқли ишлар қилинди.

Шу мақсадда қўшимча равишда 630 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилиб, уларнинг қарийб учдан икки қисми кишлоқ жойларида очилди. Янги иш ўринларининг 65 фоизга яқини кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, 20 фоиздан ортиғи эса касаначилик соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида қорва молларини қўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш юзасидан бажарилаётган чора-тадбирлар бугунги кунда сезиларли натижалар бермоқда. Фақат 2007 йилининг ўзида қорамол боқиш билан шугулланадиган 350 мингдан зиёд фуқарога меҳнат дафтарида очилди.

Бу эса уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш имконини берди. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлганлар сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони эса бир миллион нафардан ошиб кетди.

Янги иш ўринларини ташкил этиш бораида қўрилаётган чора-тадбирлар 2007 йилининг охирига қелиб иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлар сонини мамлакатимиз бўйича 5 фоизгача камайитириш имконини берди.

Ўтган йили аҳоли даромадларини ошириш бораида ҳам изчил ишлар олиб борилади.

Яқин уч йилда иш ҳақини 2-2,5 баробар ошириш бўйича ўз олдимизга қўйган стратегик вазифага мувофиқ, 2007 йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори 1,5 баробар қўпайтирилди. 2007 йилининг декабрида ўртача ойлик иш ҳақи, ҳўжалик субъектлари ва бюджет соҳаларини ҳисобга олганда, 210 АҚШ доллари миқдorigа тенг бўлди.

2006 йилдан бошлаб умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва шифокорлар меҳнатига ҳақ тўлашининг янада тақомиллаштирилган тизими жорий этилди. Натижада кейинги икки йилда уларнинг иш ҳақи миқдори тегишли равишда 2,8 ва 2,7 баробар оширилди.

Аҳолининг реал пул даромадларини бир йилда 27 фоиздан зиёд қўпайди. Статистика идоралари маълумотларига кўра, 2001 йилда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача иш ҳақи кун кечирishi учун минимум даражада зарур бўлган маблағнинг 99 фоизини ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 3 баробардан кўпроқ ошди. Таъкидлаш жоизки, бу рақам Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз, авваламбор, кишлоқ аҳолисининг турмуш шароити ва сифати ҳам босқичма-босқич яхшиланиб бормоқда.

Ўтган даврда, халқаро молия тузилмалари маблағларини жалб этган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоти, Самарқанд ва Бухоро, Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларида аҳолини сифатли ичимлик суви билан та

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРИНИНГ ТАЪМИНЛАШ — БАРЧА ИСЛОҲОТ ВА ЎЗГАРИШЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши 1-, 2- бетларда).

Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари ушбу дастурларнинг амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин, ажратилган маблағ ва ресурслар, берилган имтиёزلардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш, манфаатдор хорижий инвесторларни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратсин.

2008 йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришга барча молиявий манбалар ҳисобидан қиймати 5,4 миллиард доллардан зиёд, жумладан, умумий қиймати тахминан 1,5 миллиард долларга тенг бўлган хорижий инвестицияларни қиритиш кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг ўсиш суръати 40 фоиздан ошадди.

Жорий йилда хорижий сармояларни қиритиш ҳисобидан 80 дан орტიқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, умумий қиймати 1,4 миллиард долларлик ўттиздан зиёд объектни фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

2008 ва ундан кейинги йилларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда 2006 йили ташкил этилган ва бугунги кунда 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi валюта маблағларига эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тарққийёт жамғармаси муҳим ўрин тутди.

Мазкур Жамғарма, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан бирга қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиб, муҳим вазифаларни бажаради. Фақат 2008 йилда ана шундай лойиҳалар бўйича хорижий шериклар билан биргаликда ўзлаштириш кўзда тутилган маблағлар ҳажми қарийб 800 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Иккинчи асосий устувор йўналиш — бу ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт, солиқ-бюджет сисъатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантиришдан иборат.

Ақцдорлаштириш амалии самара бермаган корхона ва объекълари хусусий мулкдорларга сотиш ҳисобидан иқтисодиётда давлат иштирокини янада камайитириш борасидаги ишларни давом эттириш керак.

Амалдаги қонунчиликнинг меъёрий қоидаларини қайта қўриб чиқиш, қабул қилинган инвестиция мажбуриятларини сўзсиз бажариш ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг самарали фаолият қиритиши учун янги мулкдорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий жавобгарлигини назарда тутадиган нормаларни қулайитириш лозим.

Бу борада асосий вазифа — хусусийлаштириш жараёнларига ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш ва техник янгиллаш, жабон бозориди хари-дорир бўлган махсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган ишончли ва масъулияти инвесторларни жалб қилиш учун барча қулай шарт-шароитларни яратиб беришдан иборатдир.

Вазирлар Маҳкамаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди иштирокида икки ой муддатда бу борадаги амалии ишларни танқидий баҳолаган ҳолда, ушбу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилин.

Иқтисодиётни эркинлаштиришда, биринчи навбатда, **солиқ юкни камайитириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш масалалари муҳим ўрин тутадди.**

Фақат 2000-2007 йиллар мобайнида юртимизда даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва кишлўқ ҳўжалиги махсулотларни ишлаб чиқарувчилар, яъни фермерлар учун ягона солиқ 10 фоизга туширилди.

Жисмоний шахслар даромадидан қўриб олиш ставкаси ҳам тубдан қайта қўриб қилинди ва камайитирилди. Натижада сўнгги етти йилда иқтисодиётда умумий солиқ юки 40 фоиздан 27 фоизга пасайтирилди. Шунга мувофиқ корхоналарнинг молиявий ресурслари ҳам тегишли равишда ошди.

Бу ўз навбатида инвестицияларни қўлайитиш, корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Биргина 2007 йилда республикамиздаги ҳўжалик субъектлари солиқ имтиёзлари берилиши ҳисобидан ўз молиявий ресурсларини қўшимча равишда 830 миллиард сўмга тўлдиришга эришгани бу фикрнинг аққол тасдиғидир.

2008 йилда солиқ соҳасини янада эркинлаштириш сисъати давом эттирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжаликлари учун ягона солиқ ставкаси 10 фоиздан 8 фоизга камайитирилди.

Шунингдек, банклар учун даромад солиғи 17 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг натижасида бўшадиган маблағлар банкларнинг капиталлашувини ошириш учун мақсадли равишда йўналтирилади. Бошқа барча

ҳўжалик субъектлари учун даромад солиғи ставкаси 10 фоиз миқдориди барқарор сақланиб қолади.

Шуни қайд этиш жоизки, бундай солиқ ставкаси нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида, балки иқтисодий ривожланган хорижий давлатлар ўртасида ҳам энг паст кўрсаткичлардан биридир. Ҳисоб-китобларга кўра, тақлиф этилаётган чоратадбирларни амалга ошириш қўшимча равишда 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ҳўжалик субъектлари ихтиёрида қолдириш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган солиқ базасини ҳисоблаш ва қўлайитириш бўйича янги тизимнинг жорий этилиши мўносабати билан аҳолининг реал даромадлари сезиларли даражада ортади.

Давлат бюджетини бажаришга қаратилган газначилик хизмати институтини ривожлантириш ва мустақамлаш бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини анча оширади.

Бу борада Молия вазирлиги ҳўзирда янги ташкил этилган Газначилик тузилмасининг моддий-техник базасини барча поғоналарда мустақамлаш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида бюджет ташкилотларини молиялаш механизмини янада тақомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга ошириш лозим.

Солиқ тизимини бошқаришни ислох қилишда 2008 йил 1 январдан қўча қирган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси муҳим аҳамият касб этади.

Жабон тажрибасини ва солиққа тортишининг амалда синовдан ўтган ёндашу ва тақомиллаштириш ўрганиш асосида тайёрланган Солиқ кодексимизда кўзда тутилган меъё ва қоидалар, аввало, солиқ тизими ва солиқ мўносабатларини унификация қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва мўносаб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини қулайитиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Шу сабабли янги Солиқ кодексининг амалии ижросини диққат билан ўрганиш, унинг қандай шароитларда самара бераётгани, қайси ҳолатларда эса уни янада тақомиллаштириш ёки тузатиш қиритиш зарурлигини аниқлаш жуда муҳим.

Шу мўносабат билан Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат монополиядан қирқариш қўмитаси, Савдо-санаят палатаси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга янги солиқ қонунчилигини амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиш бўйича махсус Идораларо гуруҳ ташкил этиш ва зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамасига Солиқ кодексининг айрим моддаларини тақомиллаштириш бўйича тақлифлар қиритиш вазифаси юклатилсин.

Маълумки, иқтисодиёт ривожининг бугунги босқичида **монополизм кўринишларига қарши кураш ва амалда рақобат мўхитини шакллантириш** масалалари гоёт муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда монополияга қарши сисъат олиб бориш натижасида сўнгги 10 йил мобайнида монополия корхоналар сони 3,5 баробар, монопол махсулотлар тури эса 26 баробар қисқарди. Фақат 2004-2007 йиллар давомида ялпи ички махсулотнинг умумий ҳажмида монопол махсулотлар улуши 26 фоиздан 21 фоизга тушди.

Шу билан бирга, айрим тармоқларда иқтисодиётнинг монополиялашуви асоссиз равишда юқори даражада сақланиб қолаётгани ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига, махсулот сифати ва рақобатбардорлигининг ортишига, нархларнинг пасайишига ҳамон тўқинлик қилмоқда.

Жумладан, шулар қаторида цемент, шифер, полиэтилен, енгил ва ёғ-молия махсулотлари ва бошқа бир қатор товарларга бўлган эҳтиёжни қондириш имконияти нисбатан чекланган ҳолда сақланиб қолмоқда.

Бу эса ана шу махсулотларга қонъюнктура талаблари ошиб кетган пайтда монополия корхоналарига ўз махсулотининг нархини асоссиз равишда ошириш учун қўл келмоқда.

Давлат монополиядан қирқариш қўмитаси, Иқтисодиёт, Молия ва Адлия вазирликлари, Давлат солиқ ва Давлат божхона қўмиталари, Савдо-санаят палатаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга ана шу масалаларга доир ишларнинг аҳолини ўрганиб чиқсин ва бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига бозорнинг барча иштирокчилари учун тенг рақобат шароитини таъминлаш бўйича тегишли тақлифлар қиритсин.

Маълумки, **иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси**, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, сўғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантиришдан туриб амалга ошириш мўкин эмас.

Ўтган йил давомида банк фаолияти, аудиторлик ва сўғурта компаниялари бўйича қонунчиликни тартибга солиш ва мустақамлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Бу амалии чора-тадбирлар авваламбор аҳолининг янги шаклланаётган бозор институтлари ва

механизмларига нисбатан ишончини мустақамлашга қаратилганини қайд этиш лозим.

Бунинг натижасида 27 та сўғурта компанияси ўз низоом жағмармалари миқдорини белгиланган талаблар даражасига етказди ва уларнинг ялпи ҳажми 2007 йилда 1,5 баробар қўлайиди.

Сўғурта муқофотлари миқдори бир йил давомида 45 фоизга ортиди ва 70 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этди. Ихтиёрий шахсий сўғурталаш бўйича сўғурта хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланиб, 80 фоизга ортиди, мулкни сўғурталашининг ихтиёрий турлари эса 48 фоизга ўсди.

Айни пайтда сўғурталашининг умумий ҳажмида мажбурий сўғурталашини турли шакллариининг улуши низохотда паст бўлиб, 6 фоиздан ҳам ортмайди. Бунинг сабаби халқаро амалиёт талабларига мос бўлган мажбурий сўғурталашининг айрим турлари бизда жорий этилмагани билан изоҳланади.

Шу билан бирга, нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижий миқозларнинг ҳам ишончини қозона оладиган юқори малакали аудиторлик, сўғурта, лизинг компаниялари ва бозор инфратузилмаси бошқа хизматларининг молия бозориди етакчи мавқега эга бўлиш учун ҳали қўп иш қилишимиз лозим.

Шунинг учун ҳам "Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий сўғурталаш тўғрисида"ги, "Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий сўғурталаш тўғрисида"ги қонунларнинг ишлаб қилиниши ва қабул қилинишини тезлаштириш зарур.

Молия вазирлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-санаят палатаси, аудиторлар ва сўғуртачилар ассоциациялари бир ой муддатда Молия-банк, аудиторлик ва сўғурта фаолиятини ривожлантириш борасида илгари қабул қилинган дастурларнинг ижросини таҳлил қилсин ва тўлганган тажриба асосида уларнинг фаолиятини рағбатлантириш бўйича қўшимча тақлифлар қиритсин.

Учинчи устувор йўналиш — аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш рағбатлантиришдан иборат.

Дунёдаги қўллаб ривожланиётган ва ривожланган мамлакатларнинг, аввало, ўзимизнинг ўтган йиллар мобайнида тўлганган тажрибамиз бир ҳақиқатни аққол тасдиқламоқда.

Яъни, юқорида зикр этилган соҳалар, биринчи қалда, биз учун энг ўқтир бўлиб турган аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишда ўзига хос лоқомотив вазифасини бажарадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида биз танлаган сисъатнинг мутлақо тўғри ва ўзоқни қўзлаган ҳолда олиб борилаётганини тақдор ва тақдор исботламоқда. Ҳеч муволафасиз айтиш мўкинки, бу соҳа ички бозоримизни истеъмол товарлари билан тўлдиришда салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ушбу соҳа бугунги кунда мамлакатимизда энг йирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омилли, миллионла одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи ҳисобланади.

Айтиш керакки, айнан ана шу одамлар ўз бизнесини ривожлантириш ва қулайитиришдан, шу аснода иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашдан энг қўп манфаатдор бўлган инсонлардир. Айнан ана шу шахслар жамиятда барқарорлик ва ер юзиди тинчликни мустақамлашдан туриб, юқорида зикр этилган эзгу мақсадларга эришиб бўлмаглигини қўқур тушунадиган одамлардир.

Фурсатдан фойдаланиб, бу масаланинг ана бир муҳим хизматига тўхталиб ўтмоқчиман.

Биз ўз олдимизга аҳоли турмуш даражасини янада оширишни юксак мақсад қилиб қўймоқдамиз.

Лекин, ўзиниз айтинг, ушбу муҳим вазифани хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларини, алоқа ва транспорт, молия-банк хизматлари, коммунал хизмат ҳамда асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини талаб этадиган бошқа инфратузилма соҳаларини жадал ривожлантиришдан туриб ҳал этиш мўкинми?

Кичик бизнесни нафақат сон жиҳатидан қўлайитириш, балки уни аввало сифат жиҳатидан ҳам ривожлантиришимиз, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технология асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

2008 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички махсулот таркибидagi улушини 48 фоизга, 2010 йилга бориб эса 50-52 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғини тегишли равишда 45 ва 49 фоизга етказиш учун бугун бизда барча асосларимиз бор. 2010 йилда янги ташкил этилаётган иш ўринларини қасаначилик асосида 250 мингга етказиш лозим.

Ҳўрматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги кунда мамлакатимиз кишлўқ ҳўжалиги самарадорлигини ошириш масаласи сўғуртиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва умумдорлигини ошириш бўйича ўта муҳим вазифани ҳал этиш билан бевосита боғлиқдир.

Бу вазифа 2008 ва ундан кейинги йилларда биз учун асосий устувор йўналиш бўлиши зарур. Ерларнинг мелиоратив ҳолатига оид вазиет бизни таъминлаштиришдан қолмайди. Ҳозирги вақтда сўғуртиладиган ерларнинг қарийб 8 фоизининг мелиоратив ҳолати ёмон бўлиб, бу аввало тупроқнинг шўрлини даражаси юқорилиги ва ер ости сувларининг кўтарилиши билан боғлиқ. Салкам 330 минг гектар ер мелиоратив ҳолати қониқарсизлиги тўғрисида кишлўқ ҳўжалиги учун яроқсиз бўлиб турибди.

Сўғуртиладиган ерларнинг сифатини баҳолашнинг умумий кўрсаткичи бўлган ер бонитети сўнгги йилларда 55 баллача пасайди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм, Бухоро ва Сирдарё, Фарғона ва Тошкент ҳақида бошқа бир қатор вилоятларда аҳоли мураккаблғича қолмоқда.

Бугунги кунда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, умумдорлигини ошириш кишлўқ ҳўжалигини интенсификация ривожлантириш ва унинг самарадорлигини юксалтиришнинг муҳим резерви ва ҳал қилувчи омилли, энг асосийси — кишлўқ аҳолисининг моддий фаровонлигини кўтаришнинг зарур шарти ва гарови бўлиб хизмат қилади.

Биз мазкур муаммонини ҳал этишни қўп жиҳатдан 2008-2012 йилларга мўлжалланган сўғуртиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда қўрамиз. Ушбу дастурда мелиорация иншоотларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, мелиорация техникаси паркинни янгиллаш бўйича кенг қўламли ишларни бажариш белгиланган.

2008-2012 йилларда умумий узунлиги 3,5 минг километрдан зиёд бўлган магистрал, туманлараро ва ҳўжаликараро коллекторларни, мингдан ортиқ мелиорация қудуғини барпо этиш ва реконструкция қилиш, 7,6 минг километрлик дренаж тармоғини қайта тиклаш вазифаси қўйилмоқда.

Биргина жорий йилнинг ўзиди ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қатта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу мақсадлар учун 75 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратиш мўлжалланмоқда. Бу маблағларнинг қатта қисми коллектор-дренаж тармоқларини қайта тиклаш ва тозалаш, пудратчи ва сув ҳўжалиги ташкилотларини лизинг асосида замонавий техника билан таъминлашга йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамаси Молия вазирлиги, Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича дастурда белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилишини қатъий назорат қилиш, лойиҳа-смета ҳўжажатларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш, вилоятларда махсус пудрат шўкилотларини ташкил этиш ва уларни замонавий техника билан таъминлаш масалаларини ечиш вазифасини ўз зиммасига олсин.

Шу борада мелиорация ишларини молиялаштириш механизмининг ҳам тубдан қайта қўриб чиқиш даркор. Бунда 2007 йили Молия вазирлиги ҳўзурида ташкил этилган Сўғуртиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жағмармаси муҳим роль ўйнаши лозим.

Шу билан бирга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ўта долзарб вазифани амалга оширишда халқаро молия институтлари, банклар ва хорижий шериклар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳам қатта аҳамиятга эга.

Масалан, Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида, Қорақалпоғистон Республикасининг Жанубий ҳудудларига сўғуртиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Бухоро, Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг 9 та туманида сўғуртиладиган ерларни деҳқончилик учун яроқли ҳолатга келтириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишда халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик таътибаси ўзини тўлиқ оқлади.

Шунингдек, Жанубий Қорақалпоғистондан дренаж тармоғини ўтказиш бўйича лойиҳани амалга ошириш ва Марказий Фарғонадаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун Жаҳон банки ҳақида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг умумий қиймати қарийб 70 миллион долларга тенг бўлган имтиёзли кредити жалб қилинганини қайд этиш лозим.

Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ушбу йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча равишда имтиёзли хорижий кредитларни жалб қилиш ишларини жадаллаштирсин.

Бу борадаги ишларнинг натижалари Вазирлар Маҳкамасининг ҳар чорак яқунлари бўйича ўтказиладиган мажлисларида муҳокама этиб борилиши лозим.

Ҳўрматли юртодошлар!

2008 йилнинг юртимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши мўносабати билан "Ёшлар йили" давлат дастурини тайёрлаш ва амалга оширишга қаратилган ишлар бўйича қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Энг асосийси — ушбу дастур ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги барча долзарб муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга қаратилиши ва бунинг учун мустақам қонунчилик базасини таъминлаб бериш лозим.

Бир фикрни мамнуният билан таъкидламоқчиман — биз таълим соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда ислох қилиш бўйича ўзоқни қўзлаган дастурларни изчил амалга ошириб келмоқдамиз.

Бунинг натижасида ёшларимизнинг энг юксак талаблар даражасида умумий таълим олиши билан бир қаторда уларнинг ўз қобилиятини рўёбга чиқариши, жамиятда мўносиб ва мустақам ўрин эгаллаши учун аниқ мутахассистон эга бўлиш имконини берадиган яхлит, узлуксиз таълим-тарбия тизимини яратди.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун Кадрлар тайёрлаш ва Мақтаб таълимининг ривожлантириш умумийлиий дастурларни доирасида ўтган давр мобайнида юртимиздаги таълим муассасалари — мактаблар, лицей ва коллежларнинг замонавий моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш ва мустақамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илгор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш борасида қўлами ва маъно-мазмунига қўра ҳақиқатан ҳам улкан ишларни амалга оширдик.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-ҳўнар коллежи, 4600 дан ортиқ умумтаълим мактаби янгитдан бўюнд этилиб, реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

2009 йилда мазкур дастурлар ижроси тўлиқ қўнига етган, замон талабларига жавоб берадиган академик лицей ва касб-ҳўнар коллежларида 1,1 миллион ўқувчи, умумтаълим мактабларида эса 3 миллион ўқувчи таълим олиш имконига эга бўлади.

Шу тариқа биз юртимиздаги барча ўқувчиларнинг бепул мажбурий умумий ва уч йиллик махсус касб-ҳўнар таълими билан тўла қамраб олинишига эришамиз.

Кейинги 10 йил давомида ўрта махсус, касб-ҳўнар ва олий таълим тизимида 100 дан зиёд йўналиш, 265 та мутахассислик ва 700 та касб бўйича профессионал таълим олган ва замонавий фикрлаш салоҳиятига эга бўлган бир миллион нафардан ортиқ янги авлод мутахассислари тайёрланди.

Айни пайтда бугун бизни гоёт муҳим, принципиал бир масала безовта қилмаслиги мўкин эмас. Яъни, ёш мутахассислар тайёрланаётган иқтисодик йўналишларининг барчасига ҳам иқтисодиётимизнинг соҳа ва тармоқларида амалии талаб борми? Лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларини битириб қийаётган йигит-қизларимиз жамиятда ўзини, ўз касбига мўносиб ўрин топаётимиз?

Ана шу масалалар бўйича ҳақиқий аҳолини атрофлича ўрганишимиз, ҳозирги вақтда мутахассислар тайёрланаётган ҳар қайси ихтисослик йўналиши реал ҳаёт талабларига қай даражада жавоб бериши, унга нафақат бугунги, балки яқин истикболда қандай эҳтиёж борлигини ҳар томонлама қўқур аниқлашимиз лозим. **Заруратга қараб, ихтисослик йўналишларига қатъий ўзгартаришлар қиритиш, керак бўлса, айрим махсус касб-ҳўнар таълим даргоҳлар**



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

Аҳду паймон этса дўстлар, ҳеч ғаним кўркинч эмас,
Шарти дўстлик шул эрур, паймонини бузмайди ёр.
Мингта қил гар айру-айру бўлса, қилча қуввати,
Битта арқонга эшилса, узолмас Исфандиёр.

Самарқандлик этдим мен гумон,
Жайхунга чўкарди бир одам.
Дод солиб, зор йиғлаб бўқирар:
«Оҳ, кетди қалпоғим, оҳ саллам!»

Дерлар: бу дўстни кўй, феъли кўп ёмон,
Яхшиликдан устун ёмони чандон.
Худо ҳаққи, бизнинг орадан кетинг,
Дўстдан келса яхши ҳар не, ҳар қачон.

Билдингми, нечун тилга дил рози чикди,
Дил куши ич-ичдан парвози чикди.
Мендан ажабланма, ҳовончага бок,
Ёрдан жафо кўргач овози чикди.

Яхшилик ёрдамин яхшиларга қил,
Яхшига яхшилик яхши — буни бил.

Ниҳолин ўстирар дарахт кўп замон,
Бир зумда кўпориб ташлайди бўрон.

Давлатнинг борида ишинг сол йўлга,
Ўтиб кетажакдир у қўлдан-қўлга.

Дунёда қилаверма ҳар нарсга эътибор,
Йўқликка мойил эрур ҳар неки оламда бор.

Ким дўстлар дилини тирналар экан,
Иттифок йўлига экади тикан.

Дилни агар ёлгон холи этса шод,
Ташвиш солган ростдан соз, дер одамзод.

Кўп кўринар чодир ичра қомати жононаси,
Очиб боқсанг, қарилдида оналарнинг онаси.

Куш борар ҳар жойга агар донда бор,
Донаси йўқ жойда кушга-да на бор?

Тавозеъ барчага хуш ёқар бир мол,
Аммо ҳар нокасга қилмай қўяқол.

Тирикка ўлик қилур насиҳат бирам,
Тингла қўлнингга хуш ёқмаса ҳам.

Тиг билан забт этсанг гар бутун олам,
На фойда, кетурсан дилингга алам.

Умрингни бой берма чекиб надомат,
Фурсат ғанимат бил, фурсат ғанимат.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Тадбирлар

НАВОИЙ ИЖОДИ— МАЪНАВИЯТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

ИЛГАРИ ХАБАР БЕРИБ ЎТГАННИМДЕК УЛУГ
АЛЛОМА, ҲАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ АЛИШЕР
НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 567 ЙИЛЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН АЛИШЕР НАВОИЙ
НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
«АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ—МАЪНАВИЯТИМИЗ
ПОЙДЕВОРИ» МАВЗУИДА КАТТА МАДАНИЙ-
МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон «Махалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бошқаруви ташаббуси билан ташкил этилган ушбу байрам тантанасида махалла фаоллари, корхона, ташкилотлар, ўқув юртлири вакиллари, олимлар, адиблар, муомтоз адабиётимиз илхомдонлари ва шаҳримиз меҳмонлари катта завқ-шавқ билан иштирок этишди.

Тадбир давомида янграган муомтоз наволар, буюк мутафаккирнинг улмас асарлари асосида тайёрланган сахна кўринишлари, Алишер Навоий ва Гули сиймоларида тараннум этилган яхшилик, эзгулик, олижаноблик ҳақидаги ғазаллар, меҳр-муҳаббатнинг улуглини барчада унутилмас таассурот қолдирди.

— Буюк бобомизнинг бой маданий мероси мана беш асрдан кўпроқ вақт ўтибдики, ўзининг кадр-қимматини йўқотмай, янги-янги қирралари очилиб янги авлодларга хизмат қилиб келмоқда, — дейди биз билан суҳбатда тадбир иштирокчиси Мирзо Улугбек тумандаги Аҳмад Яссавий номи махалла фаоли Раиса Юсупова.

— Бугунги тадбир наинки ёш авлод, балки биз катталар учун ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Чунки улуг бобомизнинг асарлари қанча ўрганса, шунча фойдали бўлади деб ўйлайман. Айниқса ўсиб келаётган ёш авлод шундай бобокалонлари билан фахрлансалар арзийди, уларнинг ҳар бир насиҳатлари ноёб дурдона, бой хазинадир.

— Бугун ушбу байрамдан биз ёшлар катта таассурот олдик, билимга эришимизни ўргандик, — дейди «Истеъдод» ёшлар клуби сардори Мадина Носиржонова. — Алишер Навоий бобомизнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сади Исқандарий» каби бир қатор дostonлари, ғазалларини севиб ўқиймиз. Навоийшунос олимларимизнинг улуг адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги дил сўзлари ҳайратимизни оширди. Биз албатта келгусида янада чуқурак билимларни эгаллаб буюк ҳақдоримизга муносиб фарзанд бўламиз.

Тадбирда шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтининг Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, асарларига бағишланган кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

Наталья Семёнова олган сурат.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 29 февраль куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдолари Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилири бўлими томонидан 2006 йил 19 июндаги 1-914/06-сонли, ижро ҳужжати асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри Олмасор кўчаси, 127-уйда жойлашган «Тошкентлифт» трести корхонасига тегишли ва шу манзилда сақланаётган

КЎЙИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҚАЙТАДАН КЎЙИЛАДИ:

1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AY387 бўлган ГАЗ-52 (маҳсус фургон) русумли автотранспорт воситалари. **Бошланғич баҳоси-3 466 300 сўм.**

1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AS132 бўлган ГАЗ-52 (маҳсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси-4 332 450 сўм.**

1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AY389 бўлган ГАЗ-5201 (маҳсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси-7 297 250 сўм.**

1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AY392 бўлган ГАЗ-52 (маҳсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси-3 648 200 сўм.**

1970 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AY388 бўлган ГАЗ-93Б (самосвал) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси-2 832 200 сўм.**

1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AR092 бўлган ГАЗ-52 (вышка) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси-6 447 250 сўм.**

1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АН680 бўлган «РАФ-2203» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси-1 508 750 сўм.**

Шунингдек, 2008 йил 29 февраль куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган

КЎЙИДАГИ МУЛКЛАР ҚАЙТАДАН КЎЙИЛМОҚДА:

2007 йил 10 декабрдаги 2003/2-сонли ва 2007 йил 12 декабрдаги 1-357/2007-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, давлат рақами 1012121 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган «МЕРСЕДЕС БЕНЦ 600 SEL» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси-40 000 000 сўм.**

ЖСК-1-413/04-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10V0804 бўлган «Мерседес Бенц А-160» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси-55 000 000 сўм.**

ЖСК-1-413/04-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АН999 бўлган «Мерседес Бенц SL-500» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси-100 000 000 сўм.**

Ушбу мулкларни суд ижрочилири

иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минибанкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-хисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топширилаётган аризаларни ва зақалат пуллари қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Хужаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2008 йил 29 январдаги ажримларига асосан қуйидаги корхоналарни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, уларга нисбатан кузатув жараёни бошланди:

№	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатта олинган қарор санаси ва рақами	ОКПО	Хўжалик судининг ажрим рақами	Муваққат бошқарувчи	Банкротлик иши қуйидаги қунда ва соатда кўрилади
1.	XAEI-MANTEJ-QURILISH	МЧЖ	206851664	14.03.07 002405-03	21648426	10-0804/1200	Комилов У.	12.02.08 10:00
2.	AGROMASHKOMPLEKT-SERVIS	МЧЖ	206555755	18.05.06 001519-03	21159242	10-0804/1201	Комилов У.	12.02.08 10:30
3.	ROOF STEPS ART	МЧЖ	206676866	16.06.06 001627-03	21312293	10-0804/1202	Комилов У.	12.02.08 11:00
4.	AZIYA-LAT	МЧЖ КК	202540105	02.04.98 002852(1278)	16951625	10-0804/1203	Комилов У.	12.02.08 11:30
5.	SOFT IRON TECHNO	МЧЖ	300428859	27.04.07 002492-03	21884641	10-0804/1204	Комилов У.	12.02.08 12:00
6.	PLATINUM NEXT	МЧЖ	206835034	26.03.07 0023100-03	21564474	10-0804/1205	Комилов У.	12.02.08 12:30

Кредиторларнинг йиғилиши 2008 йил 11 февралда соат 11-00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар қуйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона. Банкротлик иши 2008 йил 12 февралда соат 10-00 дан Тошкент шаҳар Хўжалик судида (судья Н.Аббасова томонидан) Чупон ота кўчаси, 6-уйда 1-сонли суд залида кўрилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Й. Охунбобоев номи бош кийимлар фабрикаси» МЧЖ Кузатув кенгаши Акциядорларини 2008 йил 22 февраль соат 15.00да бўлиб ўтадиган Навбатдан ташқари умумий йиғилишга тақлиф қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 324-уй. Бинонинг мажлислар залида.

Рўйхатга олиш соат 14.00да ўтказиладиган. Иштирокчилар диққатига: Жисмоний шахслар учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва Ҳуқуқий шахсларга ишончнома билан иштирок этишлари сўралади.

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:

1.«Й. Охунбобоев номи бош кийимлар фабрикаси» МЧЖ Навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказиш регламентини тасдиқлаш.

2.Жамият Уставининг 3.2. бандининг ижросини бажариш тўғрисида.

3.Жамият Уставига ва Таъсис шартномасига қўшимча улуш ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

4.Жамиятнинг асосий воситаларини соатиш.

5.Бошқа масалалар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги матнда — Суд департаменти) нинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танловда қатнашиш учун савдо ташкилотлари (юридик шахсларни)

ОЧИҚ ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

1.Умумий шартлар
Танлов ташкилотчиси — Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автоматотранспорт воситаларида ташқари)сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Ўтказиладиган танловнинг мақсоди — суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танловда ўтказиш Комиссияси (кейинги матнда Комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни қўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 3-уй) 2008 йил 15 февраль кундан ҳар кун соат 10.00 да бошланиш то соат 17.00 га қадар амалга оширилади.

1) С.Раҳимов, Шайхонтохур, Юнусобод туманлари ҳудудлари бўйича 2008 йил 14 март кунлари;

2) Ҳамза, Миробод, Бектемир, Мирзо Улугбек туманлари ҳудудлари бўйича 2008 йил 17 март кунлари;

3) Сергели, Яккасарой, Чилонзор, Учтепа туманлари ҳудудлари бўйича 2008 йил 19 март кунлари танлов ўтказилиб, танлов натижалари бўйича қўлиблар аниқланади.

2. Танлов шартлари ва танлов қўлибларини аниқлаш мезонлари
Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шохобчаси ва назорат-касса машинаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Қуйидаги юридик шахслар танловга қатнашишга қўйилмайдилар:

— қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;

— олти ойдан кам муддат давомида фао-

лият юритаётган;

— охириги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбурий-ятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

Танловда қўлиб чиқишнинг асосий мезонлари:

— истеъмолчи учун жойлашган жойининг қулайлиги (виллат ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги);

— мол-мулкларнинг сақланишини, туркумлишини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;

— мажбурийлардан холи бўлган пул маблағлари;

— мавжуд яроқли техникаси;

— ҳодимларининг малакаси ва иш тажрибаси;

— кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

3. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар

— комиссия номига ариза;

— давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

— савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

— савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йили учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шақлар) нусхаси;

— савдо ташкилотидан назорат касса машинасининг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;

— савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

— савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойининг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);

— мол-мулкларнинг сақланиши, туркумлишини, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойининг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши) ва уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

— савдо ташкилоти ҳодимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;

— талабгорнинг мажбурийлардан холи пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;

— талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;

— кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори тўғрисида тақлиф (10% дан кўп бўлмаган миқдорда).

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек, нотариал тасдиқланган рухсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур эълонда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топширилаётган бўлса унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризага талабгор томонидан тақдим этил-

ган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

Савдо ташкилоти қайси ҳудудда фаолият юритаётган бўлса ёки танлов ўтказиладиган туман (шаҳар)га яқин жойлашган бўлса, ушбу ҳудуд бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин.

Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмунини Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига жавоб бериши лозим.

4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

Ариза ва ҳужжатлар қабул қилиниши ҳудудлар бўйича ўтказиладиган танловдан 5 кун олдин тўхтатилади, ариза ва ҳужжатларни Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳар, У.Юсупов кўчаси 3-уй, тел: 142-50-66, 142-36-49, 142-16-38, 142-80-12) Комиссия ишчи органи — ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан қабул қилинади.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, қурьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзил бўйича «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлов»га деган белги билан юборилиши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилган ариза ёки мазкур эълоннинг 2-банди 2-хатбошида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.